

Шайх Муҳаммад Аввома билан суҳбат - Асарлари



17:50 / 20.04.2018 3539

-Устоз, бугунги кунда толиби илмлар Кавсарийнинг асарларига қайси жиҳатдан кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар?

Шайх Муҳаммад Аввома - Аввало шуни айтиб ўтай, илмга энди қадам қўйганлар ёхуд ўрта даражадагилар Кавсарийнинг китобларидан фойда ололмайдилар. Улардан юксак савиядаги толиби илмлар ва олимларгина унинг китобларидан фойда олишлари мумкин. Мен шахсан ўзим, бошқаларнинг ўқишларини ҳам тавсия қилмайман. Чалғишлари мумкин.

-Кавсарийнинг машҳур асарлари бўлмиш Мақолот[2] асаридан ташқари яна бошқа мақолалари ҳам бўлганлигини эшитдим...

Шайх Муҳаммад Аввома - Ҳа, яна 21 ёки 22 га яқин мақоласи мавжуд. Иорданиялик бир киши уларни тўплаган. Тез орада нашр қилдиради.

-Биласизки, Кавсарийнинг Назратун абира, Таънибул хатиб, Ихқоқул ҳақ каби раддиялари, Ислоҳнинг пойдевори бўлмиш илмларнинг ҳар соҳасида олиб борган тадқиқотлари, Хуснут тақозий, Ламаҳат, ал-Имтаъ каби биографик асарлари ҳам мавжуд. Умумий қилиб айнан қайси соҳада фаолият юритганлар? Фикҳ, ҳадис, усул, мунозара...?

Шайх Муҳаммад Аввома - Кавсарий ҳазратлари Аллоҳ таолонинг илм учун яратган бандаларидандир. У киши устозларимизнинг устоздирлар. Ҳалабда муфтийлик қилган Асад ал-Абадий (роҳимахуллоҳ) - улар ҳам

устозларимизнинг устозидирлар - айтадиларки: “Икки юз йилдан буён дунёга Кавсарийга ўхшаган олим қайтиб келмаган”. Шунингдек, устозим ва устозларнинг устози Мустафо Зарқо (роҳимаҳуллоҳ) ҳам шундай дер эдилар: Аллоҳ таоло бу умматга вақти-вақти билан мустасно кишиларни юбориб туради. Кавсарий ҳам айна ўшалардандир. Илм баъзан камайиб, ер юзидан кўтарилади. Мазкур мустасно кишилар билан қайта юксалади. Кавсарий илмни юксалтирган олим эди. Ҳам ҳадисда, ҳамда усулда буюк муҳаққиқ эди. Мазҳабда, қиёсий фикрда, ақидада, эски ва янги фалсафада, одоб, шеър, тарих, шу билан бирга ахлоқ, тасаввуф ва сулукда... Шайх Имом эдилар.

-Биласизки, Шайх Имом Кавсарийнинг тасаввуфга алоқадор асарлари ҳам мавжуд. Лекин уни тасаввуфчилардан ажратиб турган бир жиҳати бор эди. Салафларга ўхшаб сўфийлик ҳақида ёзиш билан бирга, ўзи ҳам сўфий бўлганлар.

Шайх Муҳаммад Аввома - Ҳа, ўзлари Нақшбандий тариқатида бўлганлар.

[2] Кавсарий куллиётининг муҳим асарларидан бўлмиш Мулоқот Абу Бакр Сифил томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрланган;